

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (10.880)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 12 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ (ЕХХТ) АМАЛДАГИ РАИСИ, ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ВАЗИРИ МИГЕЛЬ АНХЕЛЬ МОРАТИНОСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Биз нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, айтилмайди. Айниқса, тозаланган булоқ суви нафақат чанқоғингизни қондиради, балки саломатлигингизни мустақкамлашда ҳам катта аҳамият касб этади. Юқори технологиялар асосида тайёрланаётган «SHAFFOF» кумушсимон булоқ суви ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, овқат ҳазмида, организмдан шлакларни чиқаришда фойдали ҳамда шамоллашга ва бактерияларга қарши курашишда қўл келади.

Юретишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу боис ЕХХТ мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолайди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустақкам тинчлик ва осойишталик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётий омил эканини таъкидлади.

Испаниянинг ЕХХТга раислиги даврида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига эътиборини кучайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ташкилотнинг нуфузини янада ошириш ва бошқа масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳоли ҳамда истиқболлари хусусида атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЯҚИНДА АШХОБОД ШАҲРИДА «МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОР ВА ТЕАТР САНЪАТИ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ТУРКМАНИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИГА — ХАЛҚАРО МУКОФОТЛАР

Маданий анжуманда дунёнинг 14 давлатидан ташриф буролган 12 фолклор-этнограф ансамбли ҳамда 11 театр жамоаси иштирок этди. Юртимиздан Наманган вилоятидаги Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театри, Қорақалпоғистон Республикасидаги Сапар Хожиниев номидаги Давлат ёш томошабинлар театри ва Генжабей баҳши номидаги «Муҳаллес» фолклор жамоаси ҳамда Сурхондарё вилоятининг «Булбулғуё» этнограф ансамбли Туркменистон пойтахтининг аҳолиси ва

мехмонларига ўз санъатларини намойиш этишди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ушбу фестивалда ўзининг турт жамоаси билан қатнашган ағона мамлакат бўлди. Бу ҳам мамлакатимизда маданият ва санъатга берилётган катта эътиборнинг ўзига хос эътифоди, дейиш мумкин. Ашхободдаги Бош драма театри майдонида мазкур халқаро фестивалнинг очилиш маросими бўлди. У Ашхобод шаҳар театрлари, концерт майдонлари ва хиёбонларида намойиш этилган маданий чиқишларга улаиб кетди. Шунингдек, тадбир доираси-

да театр ва фолклор санъатининг замонавий ривожланиши тасмийлаштирилган мавзусига бағишланган илмий конференция ҳам бўлиб ўтди. Анжуман ниҳоясида Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри актрисаси Меҳри Абдуллаева «Энг яхши аёл образи учун» йўналиши бўйича ушбу халқаро фестивал мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, Сурхондарё вакиллари ҳамда қорақалпоғистонлик санъаткорлар ҳам анжуман лауреати дипломларини қўлга киритдилар.

«Жаҳон» АА

СУВ-ҲАЁТ МАНБАИ, ДЕЯ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАЙДИ. АЙНИҚСА, ТОЗАЛАНГАН БУЛОҚ СУВИ НАФАҚАТ ЧАНҚОҒИНГИЗНИ ҚОНДИРАДИ, БАЛКИ САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ МУСТАҚКАМЛАШДА ҲАМ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН «SHAFFOF» КУМУШСИМОН БУЛОҚ СУВИ ҲАМ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛИБ, ОВҚАТ ҲАЗМИДА, ОРГАНИЗМДАН ШЛАКЛАРНИ ЧИҚАРИШДА ФОЙДАЛИ ҲАМДА ШАМОЛЛАШГА ВА БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Хусусий тадбиркорлик

ШИФОБАХШ БУЛОҚ СУВИ

Чинданам «Shaffof Servis» хусусий корхонасида тайёрланаётган ушбу булоқ суви лари шифобахшлиги билан харидорини топмоқда. Ангрендаги тоғ сувидан юксак самарали технологиялар асосида Германия дастгоҳ ва ускуналари қувватидан фойдаланиб тайёрланаётган, харидор талабидан келиб чиқиб 19,5; 1,555; 0,555; 0,350 литрлик пластмасса идишларда кадоқланаётган «Shaffof» булоқ сувининг асосий харидорлари республикамиздаги йирик компаниялар ҳамда хорижий компанияларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналаридир.

— Шунингдек, ўзимизнинг юксак сифатга эга сертификатланган шифобахш булоқ сувларини таъминлашдаги меҳмонхоналар, рестороанларга етказиб берамиз,— дейди хусусий корхонанинг махсуслотлари сотиш бўлими раҳбари Сергей Хрулин.—Кунига 5-6 мингта махсуслотни кадоқлашга муваффақ бўлаемиз. Бу борда корхонамизда меҳнат қилаётган 40 на-

фар тажрибали мутахассиснинг ҳиссаси катта. Шунингдек, биз ишлаб чиқараётган тозаланган булоқ сувидан кўп қисмида самарали фойдаланиш мумкин.

Корхонанинг Самарқанд, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида филиаллари очилган бўлиб, бу харидорларга қулайлик турдирмоқда. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда жорий йилда Андижон, Бекобод ва Навоий шаҳарларида филиаллар очиб кўзда тутилмоқда. Бу, албатта махсуслот харидорларининг сафи йилдан йилга кенгайиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими эса булоқ сувининг филтрлар орқали сифатли тозаланишига қаратилган эътибордир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: корхона оператори Ширин Ҳайдарованинг «Shaffof» булоқ сувларини кадоқлашда ҳиссаси катта. Ҳакимжон Солихов олган сура



МАМЛАКАТИМИЗДА

•Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг Жиззах ҳамда Наманган вилоят босқичлари якунланди.

•Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталари бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2007 йилнинг 22 октябридан 16 ноябрга қадар Женева шаҳрида бўлиб ўтадиган Радио алоқаси бўйича Бутунжаҳон конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

•Фарғонада маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўқув семинари ташкил этилди.

•Термиз шаҳрида «Ижтимоий йўналтирилган иқтисод, корхоналарнинг махсусдорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

•Тошкентдаги Марказий кўргазмалар залида рассомлар Обиджон Бакиров ва Шўрат Тошбойнинг «Ранглар жилоси» номли кўргазмаси очилди.

•Нукусда Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси ташаббуси билан Оролбўйи фермерлари учун 2 кунлик семинар-тренинг ташкил этилди. Замонавий интерфаол усулда олиб борилган тренинг машғулоти ўзаро савол-жавоб, қизиқарли суҳбат тарзида ўтказилди.

•Навоийда суюқликлар, кимёвий эритмалар ва Бухоро шаҳарларида филиаллари очилган бўлиб, бу харидорларга қулайлик турдирмоқда. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда жорий йилда Андижон, Бекобод ва Навоий шаҳарларида филиаллар очиб кўзда тутилмоқда. Бу, албатта махсуслот харидорларининг сафи йилдан йилга кенгайиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими эса булоқ сувининг филтрлар орқали сифатли тозаланишига қаратилган эътибордир.

•Қарши шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги тиббиёт коллежлари раҳбарлари иштирокида «Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг таълим тарбия жараёнига татбиқ этилиши» мавзусида ўқув-услубий семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

•Украина Марказий сайлов комиссияси мамлакат Конституцион судига махсус нома йўллади. Унда МСК Конституцион суддан Президент Виктор Ющенконинг парламентни тарқатиб юбориш ва мuddатидан аввал сайлов ўтказиш хусусидаги фармоннинг қонуний ёки йўқлигини зудлик билан ҳал этиб берилишини сўраган.

•Сўнги маълумотларга кўра, Жазаирда «Ал-Қоида» гуруҳи томонидан содир этилган қатор кўпуровчиликлар оқибатида ҳаётдан қўз юмганлар сони 33 тага етди. Турли даражадаги тан жароҳатларини олган 50 киши эса касалхоналарда даволанмоқда. Кеча Жазаир полицияси 500 килограмм динамит ортилган автоуловни топиб, рўй бериши мумкин бўлган яна битта террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлди.

•Кеча жуда қаттиқ қўриқланадиган яшил зона таркибига кирувчи Ироқ парламентида кучли портлаш содир этилди. Маълумотларга кўра ушбу портлаш оқибатида 8 киши ҳаётдан қўз юмди, 10 киши ярадор бўлди. Ҳалокат орасида бир нечта депутат ҳам бор. Иккинчи террорчилик ҳаракати эса Бағдодни иккига ажратиб турувчи Тигр дарёси устидаги кўприкда содир этилди ва ушбу қаҳиб ҳаракат 10 киши ҳаётига зомин бўлди.

•Америкалик 15 ёшли ўсмир Кеннет Бартли 45 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. У 2005 йил 8 ноябрида ўзи ўқиган мактаб директори ўринбосарини отиб ўлдириш ва икки нафар ўқитувчига оғир тан жароҳати етказганликда айбдор деб топилди.

•Швейцарияда ўтказилаётган ўқув парвозлари пайтида Германиянинг «Торнадо» русумли бомбардимончи самолёти ҳалокатга учради. Натихда ҳаво кемасининг битта учувчиси ҳаётдан қўз юмди, иккинчиси эса кутқариб қолинди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

•Бразилияда амалга оширилган кенг қўламли махсус операция чоғида полициячилар томонидан 15 кишидан иборат ёлланма қотиллар гуруҳи қўлга олинди. Улар 100 дан ортиқ кишиларнинг ўлимида айбланаётган бўлиб, мазкур операцияга 5 йил давомида тайёргарлик кўрилган.

•Буюк Британиянинг Хэмпшир графлигидаги Кириллик ва Уайд оролидаги Авлиё Мэри шифохоналарида даволанаётган 100 нафарга яқин бемор кутилмаганда Novavirus номли вирус билан хасталанишди. Қизиги шундаки, графлик ва орол ўртасидаги масофа 40 километрни ташкил этади. Мутахассислар ҳозир улар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини ўрганишмоқда.

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЮРТИМИЗДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ҲАМJIХАТЛИК, АҲИЛЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҚКАМЛАШ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН БАРЧА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КАТТА ПОВДЕВОР БЎЛИШИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Бунда маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилган юксак эътибор туфайли ушбу институтнинг мавқеи тобора мустақкамланмоқда.

Уларнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Тегшли қонун ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан яхши хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам қабул қилинган. Шу асосда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур чора-тадбирларни амалга оширипти.

— Мамлакатимизнинг деярли барча ту-

ман ва шаҳарларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари иштирокида ўқув семинари ўтказилди. — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Абдужаббор Абдунабиев ўза муҳбирига. — Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини мазкур тузилма фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилди. Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлигини мустақкамлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг жамият равнақидаги фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши халқимиз осойишталиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла мисолида кўриш мумкин. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу маскан, аввало, ободли-

ги билан кўзни қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлигида фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтинур Саидов. — Аммо бу қулайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шохобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувонч таъшишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам қўриши муаммолар юзага келишининг олдини олишга хизмат қилапти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буён ёрда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловига биринчи ўринни қўлга киритган.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУҲБИРИ

Қисқа сатрларда

•БУГУН Бектемир туманидаги 289-мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, Қизил Ярим Ой жамияти, «Камолот» ЁИХ туман бўлими раҳбарлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланди.

•БУГУН Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими қошида ташкил этилган «Маънавият хазинаси» малака

ошириш курси битирувчиларига гувоҳнома топшириш маросими бўлиб ўтди.

•КЕЧА «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида уюштирилган мамлакат семинар ядровий терроризмга қарши кураш масаласига бағишланди.

•ҲАМЗА Ҳакимзода Ниёзий номидаги республика мусиқа коллежидида ЎТГАН кунни ўқувчи қизлар иштирокида «Миллий либосларимиз — миллимиз кўрки» мавзусида танлов ўтказилди.

•БУГУН Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» спорт мажмуасида қизлар ўртасида спортнинг

волейбол тури бўйича туман биринчилигининг финал босқичи ўтказилди.

•КЕЧА Тошкент Давлат авиация институтида Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг «Фавкуллода вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш» мавзусида талабалар учун навбатдаги ўқув семинари уюштирилди.

•КЕЧА Тошкент Давлат фармацевтика институтида ўтказилган «Оқиқ эшиклар кунин» тадбирида Миробод туманидаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари

иштирок этишди.

•КЕЧА Тошкент Давлат аграр университетидида талабалар иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.

•КЕЧА Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театри жамоаси театр ихлосмандлари эътиборига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тайёрланган «Тобутдан товуш» спектаклини ҳавола этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛАР СОНИ ЎСМОҚДА

ДАВЛАТИМИЗ РАХБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ, АЙНИҚСА, АЁЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШ, ЖУМЛАДАН, КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТЛДИ.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган «Йирик sanoat korxonalarini bilan kasanchilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chikarish va xizmatlar urtasida kooperatsion kengaytirishni rag'batlantirish choratadbirlari turganida»-gi farmoni bu borada muhim dasturilamal bulmoqda. Poytaxtimizning Chilonzor tumani

— Айни пайтда корхонамизда юз нафарга яқин хотин-қиз касаначилик асосида меҳнат қилмоқда, — дейди «Советластик» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Муҳаррам Хўжаева. — Улар, асосан, пластмасса гуллари йиғиш билан шуғулланиди. Касаначиларимиз ўз меҳнати билан оиласига ва юртимизга наф келтираётганидан мамнун.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, давлатимиз раҳбарининг юқорида кайд этилган фармони қабул қилинганидан буюн йирик sanoat korxonalarini билан ҳамкорликда беш мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ

Шу маънода Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасида бўлиб ўтган «Маҳаллада спорт» мавзусидаги семинардан ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланди. Маҳаллаларда спортни ривожлантириш, ўсмир ёшларнинг бўш вақтини унмўли ўтказишлариغا кўмаклашиш, оилавий спортни ривожлантириш ва хотин-қизларни спортга янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида фахрий спортчилар кенгашини тузишга бағишланган ушбу семинарда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва фахрий спортчилар иштирок этдилар.

—Мақсадимиз фахрий спортчиларимизни ушбу хайрли ишга жалб этган ҳолда маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир, — деди жумладан ушбу тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси

Анжуманлар

Хайрли МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

БУГУНГИ КУНДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҲАР БИР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИГА ИМКОН ЯРАТИШ, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ВА СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҲИССА ҚЎШИШ АССОСИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ.

раиси Раҳимжон Нодиров. — Фахрий спортчилар кенгашида футбол, миллий кураш, ингил атлетика, бокс каби спортнинг турли йўналишлари бўйича мутахассисларни жаллаган ҳолда иш олиб борилади. Яъни футбол, кураш, оммавий умуммиллий спорт ўйинлари каби секторларнинг фаолият юритишига имконият яратилди.

Анжуманда шунингдек, маҳаллаларда аънавий «Футбол» мусобақаларини давом эттириш, оммавий ҳамда хотин-қизлар спортини ёшлар ва болалар ўртасида умуммиллий спорт ўйинларини ва миллий курашни ривожлантириш мавзулари бўйича мутасадди ташкилот вакиллари

маърузалари, фикр-мулохазалари тингланди. Мавзу бўйича Учтепа туманидаги «Бирлик» маҳалласи фақрлар йиғини раиси Собир Бўзиев, Шайхонхоҳур тумани «Янги шаҳар» маҳалласи оқсоқоли Рихсибой Орипов ва «Бешқўрғон» маҳалласи посбонлари сардори, Юнусобод туманидаги «Бободехкон» маҳалласи фаоллари бир қатор фикр-мулохазаларни билдириб «Фахрий спортчилар» Кенгашининг тузилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтдилар. Таклиф-истаклар, қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган ушбу анжуманда кўзланган мақсад томон дастлабки қадамлар қўйилди, энди унинг ижросига киришмоқ керак.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Фестиваллар

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

ТАСВИРИЙ ВА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ СОҲАСИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР. ШУ БОИС ШАҲРИМИЗДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР ОРАСИДА ОММАЛАШТИРИШ, ТАСВИРИЙ ВА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИНИНГ МАВҚЕИНИ ОШИРИШ, ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА «КАМАЛАК. МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Анъанага кўра Тошкент шаҳар Халқ таълими бoш бошқармаси, шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан икки кун давомида шаҳар Болалар ижодиёти уйида «Камалак — 2007» болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда таъсирли санъат, графика, хайкалтарошлик, кулолчилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, шарқ миниатюраси, миллий кашта, бадий кашта, зардўзлик, бисер тўқиш, юмшоқ ўйинчоқ сингари йўналишларда ўқувчи ёшларнинг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилди. Кўргазмада Тошкент шаҳридаги туманлар ўқувчилар ижодиёти марказларида ўтказилган

фестивалда I, II, III-ўринларни эгаллаган 300 дан зиёд голиб ўқувчилар ўзларининг ижод намуналарини билан катнашдилар.

— Экспозицияда ёш ижодкорларнинг мингга яқин ижодий ишлари кўйилган, — дейди хайбат аззоси, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов. — Ёшларнинг ижодий ишларини баҳолаш учун таниқли халқ хунармандчилиги усталари, халқ расомларидан иборат хайбат аззолари йиғилишган. Очигини айтиш керак, кўргазмаларда ёшларнинг таъсирли санъат, халқ хунармандчилиги соҳаларида самарали ижод қилаётганликларини кўриб ниҳоятда

хурсанд бўлдик. Бугунги кун ёшларининг ижодий ишларида уларнинг санъатга иштиёқлари баландлиги, истеъдод эгаси эканликларининг гўёси бўлди. Ёшларнинг яратувчанлиги, изланувчанлиги, мавзуларни танлай олиш қобилиятлари кўргазмада яққол намойиш бўлиб турибди. Албатта, бундай фестиваллар, ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу мақсадлари йўлидаги интилишларига кўмак беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Фестиваль якунида ёш ижодкорлар ўртасида «Мастер класс» ижодий амалиёт ишлари куриги бўлиб ўтди. Шунингдек, хайбат аззолари томонидан ёшларнинг

ижодий ишлари муносиб баҳолашиб, голиблар аниқланди ва уларга «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Бундан ташқари совриндорларга Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Олтин медал» соҳиби Ортиқали Қозоқовнинг муаллифлик китоби топширилди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Камалак — 2007. Миллий анъаналар ва замонавийлик» таъсирли ва халқ амалий санъати шаҳар фестивал-танловидан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БОШЛАРИДАН «ШАРҚ-БЕНИТА» ТАЖРИБА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ОУМРТҚАСИ, ОЕҒИ ШИКАСТЛАНГАНЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОРТОПЕДИЯ ПОЙАБЗАЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.



БУЮРТМАЛАР АСОСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШАДИ

Бу ерда фаолият кўрсатаётган тажрибали усталар, дизайнерлар оёқ кийимининг ранг, йўналиш ва кўринишини танлаб, шикастланган аъзонинг тузалиб кетишига кўмаклашадилар. Бош мутахассис Константин Труженников эса пойабзалларни қандай қолип асосида тайёрлашни маъқуллиги тўғрисида қимматли маслаҳатлар беради. — Бизга келиб мурожаат қилувчиларга ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр-

миз, — дейди бирлашма ходими Александр Мишин. — Зеро, хаста дилларга оз бўлса-да кувонч бағишлаш, уларнинг оғирини енгил қилишга интилиш савоб эканлигидан келиб чиққан ҳолда доимо шунга интиламиз.

(Ўз мухбири) СУРАТДА: Александр Мишин ва Константин Труженников янги қолипни муҳокама қилишмоқда. Алексей Попов олган сурат

ЮКЛАРНИ ТЕМИР ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ МАНЗИЛЛАРГА ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУҲИМ ХАЛҚ АҲУЖАЛИГИ ХАМИАТИГА ЭГА. БУНИ ЯХШИ АНГЛАГАН «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЈАДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЈАСИ БУ БОРАДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА.

Иқтисодиёт КЕНГ ЙЎЛ ТОПМОҚДА

диган махсус вагонларни тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ҳам айни муддао бўлди. Фойдаланмай турган платформалар негизда бунёд этилаётган бундай вагонлар махсуслот ортиш ва туширишга мосланган бўлиб, кўплаб юкни буюртмачиларга етказиб беради. Янги хил юк вагонларни бутлаш заводнинг вагонларни тайёрлаш цехида амалга оширилмоқда. Шунингдек, таъмирлаш-механика цехида цемент туширадиган юклар чиқарилмоқда. Фил-

дирак жуфтлиги цехи филдирлаш, таъмирлов-йиғув цехи эса тежежа, бошқа вагонларга туташтириладиган мосламаларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Тайёр ҳолга келиб қолган ўнга яқин вагонни ҳаракат таркибига қўшиш жараёни бошланди. Шундай қилиб цемент ташийдиган вагонлар ўзига кенг йўл топмоқда. Шу йилнинг ўзида 100 та цемент юкданган вагон қатновга чиқарилади. Анвар ВАЛИЕВ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

ҲАММАМИЗГА МАЪЛУМКИ, ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ҚАДИМИЙ ҲАЙВОНОТ БОҒЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНИБ, 1924 ЙИЛДА ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ. 1997 ЙИЛ 29 АВГУСТДА ЭСА, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БОИС 23 ГЕКТАР МАЙDONНИ ҚАМРАБ ОЛГАН ЯНГИ ҲУДУДДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ. ҚУВОНАРЛИ ТОМОНИ ШУНДАКИ 12—18 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ШАҲРИМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА ЕВРООСИЁ ҲАЙВОНОТ БОҒЛАРИ ВА АКВАРИУМЛАРИ МИНТАҚАВИЙ УЮШМАСИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ РАҲБАРИНИНГ ИЛИМИ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ АЗИЗ ИРИСМЕТОВ БИЗГА БОШЛАНАЁТГАН АНЖУМАН ХУСУСИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ.

— Тошкент Ҳайвонот боғи 2000 йилдан буюн Евроосиё Ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда Ҳайвонот боғида 439 турдаги турли хил жониворлар мавжуд. Муассасамизда 162 нафар биологлар, зоологлар, ихтиологлар, зоотехниклар, ветеринар шифокор ва бошқа соҳадаги малакали ходимлар фаолият юритмоқдалар. 12-18 апрель кунлари бўлиб ўтadиган анжуманда Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Германия, Руминия, Венгрия, Чехия, Словакия, Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон каби узоқ ва яқин хорижий мамлакатлардан 51 та Ҳайвонот боғларидан 70 нафар мутахассислар иштирок этдилар. Ҳайвонот боғи мутахассислари илимий тадқиқотлар олиб бораётганлиги ва бу борада салмоқли ютуқларга эришганлиги боис ҳам, Евроосиё Ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг анжуманини пойтахтимизда ўтказишга қарор қилинди.

Анжуманда ихтисослаштирилган мутахассислар иштирокида жониворларни сақлаш, кўпайтириш, парваришлаш, қирилиб кетаётган Ҳайвонот турларини кўпайтириш, табиати асраб-авайлаш ва мамлакатлар Ҳайвонот боғлари ҳамкорлигини янада яхшилаш масалалари муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон шароитида зуррети кўпайтирилаётган йирткич қушлар парвариши ва яшаш шароитларини яқиндан ўрганиш, мутахассисларнинг таклиф ва фикрларини эшитиш масалалари ҳам кўзда тутилган. Уйлаймизки, бу анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ватанимиз нуфузининг юқорилиги ва ўзаро ҳамдўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг мустақамлашиб бораётганлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, Тошкент Ҳайвонот боғининг бугунги кунда дунё микёсида алоҳида ўрни бор. Боғда Ҳайвонот ва қушларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг парваришини таъминлаш мақсадида кўчалаштириш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бахорнинг илк кунлариданоқ бугундиги 2000 дан ортки турли хилдаги дарахтлар, 400 га яқин арчалар, 2000 га яқин кўп йиллик гуллар ва жуда кўплаб ҳар хил мавсумий гул кўчатлари тўқазилди. Шунингдек, бу ерда «Ёш табиатшунослар» тўғарақлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унга шаҳримиздаги мавжуд мактаблардан 200 дан ортиқ ўқувчилар аъзодирлар. Малакали мутахассислар ёшларга жонли Ҳайвонотлар, қушлар ва сув ости жониворлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш билан бирга, уларга меҳру муҳаббат ҳисси билан қарашни, она табиатимизни, зилол сувларимизни асраб-авайлаш ва дўстона муносабатда бўлишни ўргатадилар. Ҳайвонот боғига ташриф буюрар экансиз, унинг хушманзара кўриниши, бири-биридан ноёб антика жониворлари, паррандаю-қушлари сизни мафтун этибгина қолмай, ажиб ва завқли қайфият бағишлайди. Пойтахтимизда шундай кўркам ва жозибдор маскан борлигидан, унинг бағрида табиатнинг бебахо неъматлари ва жонзотлари яйраб нафас олаётганидан дилингиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Гулчехра ДҮРДИЕВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кулоқда асра гаронмоя сўзи-ю, фикр эт — Ки, дурсиз ўлса, не бўлгусидур садаф холи. Сўзунги даги кўнгул ичра асрағилким, хайф — Ки, ўйла дуржини гўҳардин эткасен холи. Қимматбахо сўзи кулоқда асра-ю садаф дурсиз қолса, холи не кечишини тасаввур қил. Яна сўзингни кўнглинги ичра асраки, кўнгул садафини гавҳардан холи қилиш хайфдир.

Қайси бир котибни, ул сўзга қалам сургай хилоф, Ул қаро юзлуқ боши бўлсун қалам янглиг шикоф. Қайси бир котиб сўзларни хато ёзадиган бўлса, у юзи қоранинги боши қалам каби ёрилсин. Қарилар хотири нозуқдур, эй тифл, Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ. Унутгунгмуки, атфол ўйнаганда Ситнар оз майл кўргандин қуруқ шох. Эй бола, қари кишилар кўнгли нозик бўлади, андишасизлик билан уни синдириб қўйишдан аҳтиёт бўл. Болалар ўйнаган маҳал қуруқ шохнинг қўл тегар-тегмас синишини унутдингми?

Қалб амрозининг моддаси кўп демакдур. Қалб хасталигининг боиси кўп гапиришдир. Қаноат тариқига кир, эй кўнгул — Ки, хатм ўлғай ойини иззат санга. Эй кўнгул, қаноат ўлиғи кирсанг, иззат қилишни ўрганган бўласан.

Қайси номурод илги сабр этагига урдиким, мурод топмади, қайси гирифтор кўнгул сабр бандига қўйдиким, қушод топмади.

Сабр этагидан тутган қайси номурод муродига етмади, сабр туғунига кўнгул қўйган қайси асир уни енмади. Қариким, қилғай разилолик, тифледур нобилиг. Ҳўзини хушқомат қилиб кўрсатишга уринган қари киши бабоғатта етмаган болага ўшайди.

Қилма улус арзу иблага қасд, Айлама эл жони-ю, молига қасд. Халқнинг ери-но хонадонига, моли-но жонига қасд қилма. Қайси асо хийла уйига сугун, Қош синиб ул, бу уй ўлғай нигун. Хийла уйига устун бўлган асо қошки синиб, уй ер билан яқсон бўлса эди.

Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур, Невчунки, эр ўлиғи қорин душмандур. Қорнинг билан дўст бўлмаганинги маъқул, чунки мард йигитта қорин душмандир.

Қурур чун гулистондин айрилди гул, Ки бир лўқма этдур бадансиз кўнгул. Гулистондан узилган гул қуриди, бадандан юлиб олинган юрак бир парча гўшдир.

Қўшлик истасанг, қасби камол эт, Камол ар қасб этарсен, бемалол эт. Қўшдайд бўлишни истасанг, камолот қасб эт. Камолотта етишга интилар экансан, бу ишни ўзингга малол олмай амалга ошир.

Фафлат аро хуш кўрибон хуш дема, Вақиф ўлиб, сўнгра пушаймон ема. Фафлатда яхши кўриган нарсани яхши дема, Хўшингга келганингда пушаймон ейсан. Қофил ўлма назардин итса адув Шалъ ўчурганда ел кўрунганму? Душман кўзингга кўрнмаганин узн ундан бепарво бўлма, чунки шамол ҳам кўзга кўрнмай келиб шамани ўйиради. Қолиб душмандин хардам гофил қолма, Учиролмас исоён ўтни ўз ҳарамингга солма.

Ғизо бўлса муфиду таъб голиб Бас, эт табиынг хануз эрканда роғиб. Ейилаётган овқат фойдали (қон берувчи) бўлиши устига, иштаха ҳам жойида бўлса-да соғлиққа риоя қилишни истасанг, кўнглинги тортмай қолмасдан илгари, яъни ҳали бир оз жой бўлган ҳолда, емакдан тўхташ керак.

Ғариб қисса эрур ишқим, туганмади ҳеч, Агарчи бўлғали олам биноси айтладув. Ишқ олам бино бўлгандан буюн айрилиб келаётган бўлса-да, сира тугамайдиган ажойиб қиссадир.

Ғарбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш. Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, Бўлбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Мусофирликда кимсасиз киши шоду хуррам бўлмас эмиш. Беғоналар унга шафқатли ва меҳрибон бўлмас эмиш. Олтун қафас ичра қизил гул битса ҳам, бўлбулга у ўзининг тиканзоридек ватанлик қилмас эмиш.

Ғурур хусн ила жохингга қилмаким, қолмас Жамоли оламию олам ахлининг жоҳи. Хўсинг ва давлатингдан марғуриланмаки, на дунёча хўсн қолди-ю, на дунё одамларининг давлати.

Ғийбат дегувчи — нажосат егувчи.

Ғолиб душман забунинг бўлса, шод бўлма ва иши андишасидин оозод бўлмаким, сиёсатида таҳаммул вожибдур ва риоятида тааммул. Ғолиб душман сенга бош эгаса, шод бўлма ва унинг хавфидан оозод бўлма, унга нисбатан мулоҳаза билан сиёсат юритиш ва ҳурматини ўрнига қўйиш керак.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси кейинчалик хорижга гастролга чиқариладиган ҳолда Республикада хизмат кўрсатган артист Рустам Матчоновнинг аттракционда цирк томошаларини тайёрлаш учун спорт разрядларига эга бўлган (гимнастиканинги барча турлари ва акробатика бўйича) ўсмирлар ва қизларни, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва интернатларнинг тарбияланувчиларини

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Талабгорларнинг ёши 16 дан 30 гача бўлиши керак. Бошқа шаҳардан келганларга цирк меҳмонхонасидан жой берилади. Мурожаат учун телефонлар: 144-35-09, 144-37-31, 171-29-61 рақамларига белгиланган ҳар қандай вақтда 395-14-84 рақамига эса соат 19.00 дан кейин мурожаат қилинган. 9.00 дан 17.30 гача кўнгирак қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси томонидан 1994 йил 15 февралда «Узтепломонтаж» жаммоа корхонасига берилган мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи 316 сонли муваққат давлат ордери йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Давлат педагогика институту томонидан Аширова Мухаббатхон Эргашалиевна номига берилган 9508 рўйхат рақамли, 029031 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўллаш қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.



ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

Уйлаймики, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади. Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар иттиҳомий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан аъёнларий ўтказиб келинаётган «Келажак овози» танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва голиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов шартлари

Танловга «Келажак овози» танлови жаъранлари, иштирокчилари ва голиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларда берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмастлиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак. Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили. Муаллиф тўғрисида — фамилияси,

исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақризи қилинмайдиган ва қайтарилмайдиган. **Танлов номинациялари** Танлов икки номинация бўйича ўтказилади: — «Келажак овози» танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами — «Келажак овози» танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами Голиблар ҳар икки номинация бўйича куйидаги тартибда мукофотланади: — битта 1-ўрин — иккита 2-ўрин — учта 3-ўрин Голиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

